

## Сассиқ Коврак - Шифобахш Ўсимлик Ва Ундан Оқилона Фойдаланиш Йўллари

Холматова Муҳайё Муратовна

Жиззах давлат педагогика унверситети уқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада сассиқ коврак – *Ferula foetida* (Bunge) Regel ўсимлигининг шифобахшлик хусусияти, кимёвий таркиби, тиббиётда ва халқ табобатида фойдаланиши ва ундан оқилона фойдаланиш йўллари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Тур, интродукция, смола, биоэкологик, вирус, глобал муаммо, онтогенез.

Дунёда биологик хилма-хилликни сақлаш, ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, ўсимлик турларининг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, интродукция ишларини олиб бориш, муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш, ноёб ва камайиб бораётган турларини аниқлаш ва уларни сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда эфир мойли, ем-хашак, асалчил, шифобахш, смола сақловчи, ароматик, озуқабоп ва техника ўсимлиги сифатида қўлланиладиган *Ferula L.* (коврак) туркуми турлари алоҳида аҳамиятга эга. Жаҳонда доривор смола сақловчи ўсимликларнинг биоморфологик хусусиятларини онтогенезда ўрганиш ва хом ашёларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада *Ferula L.* туркуми турлар таркибини аниқлаш, унга таъсир этувчи омилларни асослаш ва истикболли турларнинг ишлаб чиқариш тармоқларида фойдаланиш имкониятини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. *Ferula L.* туркуми турларининг биоморфологик, дориворлик хусусиятлари, захиралари аниқланмаган, баъзи турларининг камайиб кетиш сабаблари ўрганилмаган.

Шунга қарамадан, ўсимликлардан оқилона фойдаланиш, улар асосида янги доривор препаратлар яратиш ишлари суёт олиб борилмоқда, режасиз асосда ўсимлик хомашёларидан фойдаланиш натижасида уларнинг табиий захиралари камайиб бормоқда. Шу боис, коврак туркуми турларининг биологияси, шифобахшлик хусусиятлари, улардан оқилона фойдаланиш, камёб ва хўжалик аҳамиятига молик турларни лалмикор ерларда экиб ўстириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Кейинги йилларда чўлларнинг ўзлаштириш муносабати ҳамда чорва молларининг ҳудудда интенсив боқилиши оқибатида баъзи - *F. varia*, *F. schtschurowskiana*, *F. helenae* ва *F. foetida* турларининг табиий майдонлари кескин камайиб бормоқда. Республикамизда фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг қамровли ислохатлар олиб борилиб, доривор ўсимликлар хом ашё базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, *Ferula L.* туркуми турларидан “Паноферол”, “Тэфэстрол”, “Куфэстрол” ва “Ферулен” дори препаратлари яратилди ҳамда ишлаб чиқарилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, *Ferula L.* туркуми турларининг биоэкологик хусусиятларини онтогенезда ўрганиш, уруғидан экиб кўпайтириш ҳамда

амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги ПҚ-36/17- сонли “Республикада коврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хом ашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилиниб, ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида “Коврак етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси” ташкил қилинди. Коврак туркуми вакиллари зирадошлар оиласига мансуб бўлиб, уларнинг ер юзида 180- 185 тури, МХД мамлакатларида 106 тури, Марказий Осиёда 105 тури, Помир-Олойда 60 га яқин, Ғарбий Тяншанда 50 дан ортиқ, Ғарбий Помир-Олойда 33 тури, Ўзбекистонда 48 тури, 149 Жиззах вилоятида эса 20 га яқин тури учрайди. Бу ўсимликлар шифобахш, ем-хашак, эфир мойли, асалчил, озик-овқат, хуштаъм ҳисобланади. Коврак туркуми турлари ичида сассиқ коврак қадимдан шифобахш ўсимлик сифатида турли мамлакатларда маълум бўлиб, Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон ва Покистонда кенг тарқалган. Бу ўсимликни турли халқлар ҳар хил номлар билан атаб келинган.

Сассиқ коврак ўсимлигининг бўйи 1,0-1,5 метргача бўлиб, илдизи бақувват, йўғон, тупроқнинг 1,5 метр чуқурлигигача боради. Илдизининг асосий қисми 0,5 метр чуқурликкача бориб, унинг шакли цилиндрсимон, бочкасимон ёки тухумсимон шаклда бўлади. Сассиқ коврак ўсимлиги кўп йиллик, монокарп ўсимлик. Ўзбекистонда сассиқ коврак чўл ва адирдаги турли ўсимликлар гуруҳи таркибида учрайди. Шунингдек, Қизилқум саҳролари, Мирзачўл, Қарнабчўл, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида ҳам тарқалган. Ўсимлик таркибида смола ва эфир мойлари сақлаб, тиббиётда, ҳамда лак-бўёқ, зиравор модда сифатида қўлланилади. Унинг илдизидан олинадиган смола настойка, эмулсия ҳолида ўта чарчашнинг олдини олишда, ел ҳайдовчи, балғам кўчирувчи восита сифатида қўлланилади. Ушбу мақсадда Эрон, Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда ундан препаратлар яратилган. Бу ўсимликдан озик-овқат маҳсулотларига хушбўй таъм берувчи моддалар ҳам олинади. Улуғ аллома Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китобида коврак ўсимлигининг смолалари бўғин оғриғида, овқат ҳазм қилиш жараёнини кучайтиришда ва гижжа ҳайдашда қўлланилиши таъкидланган. Сассиқ коврак ўсимлиги таркибидаги моддалар қадимдан кўпгина мамлакатларда турли касалликларни даволашда қўлланилиб келинган. Туркменистонда бу ўсимликнинг ёш новдалари шамоллашда ва ўпка касаллиги, ичак касалликларини даволашда, организмда иммунитетни мустаҳкамлаш учун қўлланилади. Ўзбекистонда сассиқ коврак ўсимлигидан олинган смола настойка, эмулсия, пластир ҳолида астма, асаб касалликлари, сиртдан яра, турли яралар, ўсма касалликларини даволашда фойдаланилган. Унинг илдизи ва смоласи олтингугурт ва аччиқ таъм ҳидини бериб, ундан хуш таъм берувчи восита сифатида консерва маҳсулотлари тайёрлашда ишлатилади. Ҳиндистонда озик-овқат маҳсулотларига таъм киритиш учун ундан фойдаланилган. Непал аҳолиси ўзларининг кундалик ҳаётида ўсимликдан диета сифатида қабул қилиб, ундан сийдикни ҳайдашда, астма, тутқаноқ, қорин оғриғи, грипп касалликларини даволаганлар. Олимларнинг кейинги фармакологик, биологик текширишлари натижасида бу ўсимлик моддалари антиоксидант, антивирус, антидиабетик ва антигрипп хусусиятларга эга эканлиги, улардан ўсмага қарши, молуссоцид, гипотензив воситалар сифатида фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумотлар эълон қилинган.

Сассиқ ковракдан тайёрланган настойка Ҳиндистоннинг шарқий ҳудудларида қорин оғригини қолдиришда, шунингдек, антибактериал восита, спазмолитик, сийдик ҳайдовчи ва ични юмшатовчи восита сифатида қўлланилган. Росс (2005) ва бошқалар маълумотида кўра, смоланинг сувдаги эритмаси гижжаларни туширишга ёрдам беради. Афғонистонда смоланинг қайноқ сувдаги эритмаси истерияда ичилади. Непалликлар тинчлантирувчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўллаган. Эрон халқ табобатида томир тортишининг олдини олишда, Мароккода тутқаноқ тутганда сақич сифатида, америкаликлар ундан мия ва асаб стимулятори сифатида фойдаланганлар. Саудия Арабистонида асафетиданинг қуритилган елими кўкйўтал, астма ва бронхитни даволашда ишлатилади. Қадимги Римда ўсимлик смоласини кулинарияда овқатларга яхши таъм берувчи модда сифатида қўллаганлар, ундан ўпка касали ва тўхтовсиз йўталга чалинганларни даволаганлар. Ўсимлик

смоласи турли мамлакатларда импотенцияни даволашда қўлланилади. Ўсимликларнинг кимёвий таркибини ўрганиш ўтган асрнинг 30 йилларидан бошланган. Коврак ўсимлиги таркибидан кумаринлар, органик сульфидлар, кейинчалик смоласидан умбеллиферон, ферула ва гальбан кислоталари ҳамда фарнезиферол А, Б, С, кумаринлар ажратиб олинган.

Бициклик сесквитерпенли кумаринлар, апиенлар, шунингдек, камедь олиниб, бу модда марказий асаб тизимига таъсир этиши аниқланган. Ўсимликдан ажратиб олинган барча бирикмалар 3 гуруҳга: кумаринлар, мураккаб эфирларнинг терпеноид ва сесквитерпенли спиртлари, ҳамда сесквитерпен лактонларига ажратилади. 150 Сассиқ ковракнинг кимёвий таркибини ўрганиш натижасида ундан 70 дан ортиқ биологик фаол моддалар ажратиб олинган. Шундан сесквитерпен кумаринлари - 31 тани, олтингугурт бирикмалари - 32 тани, бошқа бирикмалар (дистерпен, арабиноза, глюкопирозидлар ва бошқалар) - 9 тани ташкил этади. Ўсимликнинг фармакологик хусусиятлари XIX асрнинг охиридан бошлаб Осиё қитъасининг Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Покистон, Эрон, шунингдек, АҚШ, Европа мамлакатларидан Швеция, Германия, Португалия мамлакатларида коврак ўсимлигидан олинадиган моддалар ўша давлатларининг расмий фармакопоеясига киритилган. Смола расмий тиббиётда ва халқ табобатида суртма, эмульсия, пластир ҳолида қўлланилган.

Ҳиндистонда ундан диареяни, вабони, қандли диабетни, ревматизм, невроз ва бронхиал астмани даволаганлар. Ўрта асрларда Арманистонда атеросклерозни, бронхит касаллигини ва нафас йўллари шамоллашини даволаганлар. Ҳозирги кунда сассиқ коврак смоласининг вирусларга қарши фаолияти ўрганилмоқда. Роллингер ва б. (2008) смоланинг инсоннинг риновирусига таъсирини ўрганишиб, улар вирусларнинг кўпайишининг тўхтатишини таъкидладилар. Кейинги йилларда олимларнинг тажрибалари асосида ўсимликнинг антипаразитар хусусиятга эга эканлиги, айниқса, трихомонадларга нисбатан фаоллигини аниқладилар. Ўсимлик смоласидан тайёрланган препаратлар микробга қарши таъсирга эканлигини аниқладилар. Шунингдек, коврак ўсимлиги смоласи қон босимини эффектив пасайишини таъминлаши аниқладилар. Шу сабабли, чет мамлакатларда сассиқ коврак смоласига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, Эрон, Покистон ва Ҳиндистонда қадимдан ўсимлик смоласи тайёрланиб, турли мақсадларда ишлатилганлиги туфайли, ўша ҳудудларда унинг табиий захиралари деярли йўқолган. Ўзбекистонга қўшни бўлган Тожикистон, Афғонистон, Қозоғистон Республикалари ҳудудидан бир неча йиллардан буён тайёрланаётганлиги учун ўсимликнинг табиий захиралари кескин камайганлиги сезилмоқда. Ҳозирда экспорт қилиш мақсадида ўсимлик илдизидан смола олиш ишлари Республикаимизнинг жанубий ҳудудлари - Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғ олди ҳудудларида олиб борилмоқда. 2012-2014 йиллар мобайнида 200-400 тоннадан ортиқ смола олишга квота берилган. Агар ҳар йили шунча миқдорда смола тайёрланса, Ўзбекистон ҳудудида ҳам бу ўсимлик захиралари камайиши мумкин. Марказий Осиё ҳудудида коврак ўсимликларининг биологияси ва ресурсларини ўрганишимиз натижалари асосида унинг табиий захираларини сақлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз: - ўсимлик хом ашёсидан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва ковракзорлардан навбат билан фойдаланишни; - маҳсулотга квота ажратишдан олдин ҳар йили ўсимлик ўсадиган майдонларини белгилаш ва харитага туширишни, квотадан ортиқ маҳсулот йиғишни тақиқлашни; - тайёрловчи ташкилотлар ўсимликни қайта тикланиши учун уларни уруғларидан кўпайтириш чораларини амалга ошириш лозим. Халқимиз орасида “бирни қирқсанг қирқни эк” деган мақолига амал қилиб смола олиш учун уни уруғидан табиий ўсадиган жойларида экиб кўпайтириш лозим. Ўсимлик 4-5 йилларда смола олишга ярқли бўлади. Афсуски, смола тайёрловчилар фақат бугунни ўйлайдилар, эртани кутишни хоҳламайдилар. Мирзачўл ва Жиззах чўллари ўзлаштирилиши натижасида бу ўсимликнинг табиий майдонлари қисқариб бормоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, бу ўсимликдан Фориш, Зомин, Бахмал туманларида аҳоли томонидан қадимдан фойдаланиб келинган. Эрта баҳорда коврак ўсимлиги энди ўсиб чиққан пояси кесиб олиниб, сувда қайнатиб ичилади. Кекса ёшдагилар “эрта баҳорда коврак истеъмол қилмаган инсонлар касалликка тез чалинадилар” - деб айтишадилар ва ҳар йили баҳорда ундан турли пишириқлар тайёрлайдилар. Хулоса

қилиб айтганда, қадимдан фойдаланиб келинган шифобахш қоврак ўсимликларидан оқилона фойдаланиб, асраб-авайлаб, кейинги авлодларимизга ҳам етказайлик.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мухайё Халматова Табиатшунослик тоғаракларининг хиллари //Журнал создания наук. – 2022. – Т. 1. – №. 2 (7). – С. 3-5.
2. Муратовна Халматова Мухайё Ботаника тоғараларининг хусусиятлари ва унинг талабларнинг билимларини мустаҳкамлашдаги орни //Web of Scientist: Международный научно-исследовательский журнал. – 2022. – Т. 3. – №. 11. – С. 855-859.
3. Раҳмонқулов У., Авальбоев О.Н. Узбекистон қоврақлари (монография) // «Фан ва технология» нашириёти,-Тошкент. 2016. 240-б.
4. Халматова Мухайё Муратовна. «Ferula L. turkumi turlarining bioekologik xususiyatlarini oʻrganish». Наука и образование 4.4 (2023): 246-249.